

## ШАРТНОМА № 184

Жиззах ш.

22. 12.2021 йил.

Жиззах вилоят телерадиокомпанияси бундан буён “ИЖРОЧИ” деб юритилиб, унинг номидан компания директори Э. Шерманов, Низомга асосан бир томондан ва иккинчи томондан. “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб юритилиб, унинг номидан раҳбари З. Мамарасупов Низомга асосан иш юритувчи, биргаликда “Томонлар” қуидагилар ҳакида мазкур шартномани туздилар:

### 1. Шартнома мазмуни:

1.“Буюртмачи” мазкур шартноманинг 2- бандида кўрсатилган маблагни тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан берилган медиа-режага биноан тасвир хажми 30 сониядан иборат реклама ролиги “Ижрочи”нинг телеканалида эфирга узатилади.

1.1 Видеоролик номи: “Сув таъминоти- Қарздорлик”

### 2. Шартнома баҳоси қуидагича:

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси (дақиқаси)	Таъминлаш (тўлов) баҳоси
Реклама ролиги	дақиқа	4,5	125 000	562 500
Жами: 562 500 сўм				
Жами: Беш юз олтмаш икки минг беш юз сўм				

2.1. тасдиқланган тариф 4,5 дақиқа

### 3. Буюртмачининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1. Буюртмачи “Буюртма” учун берилган далиллар ҳаққонийлиги юзасидан барча масъулиятни ва жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртма “Буюртмачи” томонидан тўлақонли равишда тасдиқланган ёзма кўрсатма асосида тақдим этилганда “Ижрочи” томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

3.3. “Буюртмачи” мазкур шартнома имзоланған кундан бошлаб 10 банк иш куни муддатида 100 фоиз ҳақни “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказиши шарт.

3.4. Агарда тақдим этилган ёзма кўрсатмага ўз вақтида ўзгартириш киритилмаса ёки амалга оширилиши лозим бўлган буюртмадан бош тортса “Буюртмачи” иш жараёни учун сарф этилган жами харажатни қоплади.

3.5. “Буюртмачи” беш иш куни мобайнида биринчи эфирга узатиладиган махсулот олдидан аниқ ишлаб чиқилган медиа-режани (жадвални) ҳамда реклама ролигини “Ижрочи”га тақдим этиши шарт.

3.6. Шартномада белгиланган маблаг келиб тушиши “Буюртмачи” томонидан бир ой муддатда таъминланмаса тузилган шартнома бекор қилинади, агар томонлар ўртасида бошка келишув бўлмаган тақдира.

3.7. “Буюртмачи” буюртма ижрочи томонидан тўлиқ бажарилгандан сўнг 15 кун мобайнида буюртма қандай бажарилганлиги ҳакида ижроидан маълумот олиш хукуқига эгадир.

3.8. “Буюртмачи” роликни эфирга узатиш учун “Ижрочи”га ўтказиб берилган пул маблагини мабодо реклами эфирга бермасликни ихтиёр этганлиги туфайли қайтариб олишни талаб қилса, бу ҳолда реклама учун ўтказилган умумий маблагнинг 23% “Ижрочи” ҳисобида колдирилади.

Шартнома тузиш ва банк харажатлари учун 3% ва бошка амалдаги харажатлар ушлаб қолинади ва бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилади, қолган маблаглар “Буюртмачи”га қайтарилади.

### 4. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

4.1. “Ижрочи” медиа-режани белгиланган вақтда бажарилишини ҳамда махсулотни жадвал асосида эфирга узатиш вазифасини ўз зиммасига олади.

4.2. Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг дастурлар Бош Дирекцияси давлат аҳамиятига мөлек мухим воқеалар, янгиликлар ҳамда турли байрам муносабати билан кўрсатувлар дастурларига ўзгартиришлар киритиш хукуқига эга. Шу муносабат билан “Ижрочи”,

“Буюртмачи”нинг режа асосида белгиланган шартларини ўз вактида амалга оширмаса маҳсулотни эфирга узатиш вактини бошқа кун ва соатга кўчиради ҳамда уни эфирга узатишни таъминлайди ва ўз вактида амалга оширганилиги учун “Ижрочи” жавобгар бўлмайди.

## 5. Форс-мажор

- 5.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (Форс-мажор) натижасида шартнома шартлари бажарилмаса, томонлар жавобгарликка тортилмайди ва ҳеч қайси бирига эътиroz билдирилмайди. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (Зилзила, кўчки, бўрён, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таъкиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларда қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.
- 5.2. Шартнома муддати тугаган кундан бошлаб “Буюртмачи” томонидан маблағни қайташ ҳақидаги илтимос ва эътиrozлар Жиззах вилоят телерадиокомпанияси томонидан инобатга олинмайди.


## Айрим шартлар

- Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликлар, низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади. Агарда ўзаро келишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонунида ўрнатилган тартибда Жиззах вилоят Иқтисодий судида ҳал этилади.
- Мазкур шартнома Томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан, жами икки нусхада тузилди, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.
- Мазкур шартномага Томонлар розилигига биноан қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши мумкин. Қўшимча ва ўзгаришлар Кўшимча келишув кўринишида имзоланади.
- Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўла бажарунча, лекин 2021 йил 31.12 гача кечикмаган муддатга қадар амал қиласди.
- Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари;

### «ИЖРОЧИ»

Жиззах вилоят телерадиокомпанияси  
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги  
Фазначилиги  
Х/р 23402000300100001010  
Марказий банк ББ-ХКМ Тошкент ш.  
МФО 00014 ИНН 201122919  
Жиззах вилоят телерадиокомпанияси  
Манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов, 30  
ш/хв: 400110860084017084200137001  
ОКОНХ 93180 ИНН 200342258

Директор:  Э.Шерманов

Бош хисобчи:  А. Пирматов

РТГ раҳбари:  У.Қосимова

Юрист :  А.Эшбеков

### БУЮРТМАЧИ

“Жиззах сув таъминоти” МЧЖ  
Манзил:  
**“JIZZAX SUV TA'MINOTI”**  
МАСБУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ  
**X/Р-2020 8000 3003 0453 3001**  
тел.:  
АИБ «Ипотека банк» Жиззах вил. филиали №0122  
х/р:  
**ИНН-200 345 016 ОКОНХ-90 200**  
ИНИ: **200 345 016 000 451**  
ОКОНХ  
раҳбар:  З.Мамарасулов

